

Бирор ишни қойиллатганим йўқ



09:04 / 05.07.2021 3858

Менга: “Умрим ўтиб кетаяпти. Бирор ишни қойиллатганим йўқ”, дебсан. Сенга бирор ишни қойиллатиш ғайриоддий ишни бажаришдир, деб ким айтди?

Ишни қойиллатиш дегани фақатгина тарих китобларида ёзилган, кишилар гапириб юрадиган ишлар эмас. Ишни қойиллатиш учун барчамиз ихтирочи, фақих, адабиётчи, сиёсатчи, бой, машҳур инсон бўлишимиз керак деб ким айтди сенга? Кишининг инсон бўлишининг ўзи етарлидир. Шунинг ўзи айнан буюк ишни қойиллатишдир!

Дўстим! Биз гарчи қўшинни бошқармасак ҳам, дори ихтиро қилмасак ҳам, физика бўйича бирор қонун ихтиро қилмасак ҳам, янги кимёвий модда ихтиро қилмасак ҳам, геометрияда янги теоремага асос солмасак ҳам, шеърятда янги жанрга асос солмасак ҳам, Нобель мукофотини олмаган

бўлсак ҳам қаҳрамонлармиз!

Биз Аллоҳга осий бўлмаслик учун ҳар куни нафсимиз билан курашар эканмиз, демак қаҳрамонлармиз. Агар гуноҳ қилиб қўйсак синган ҳолатда Аллоҳга истиффор айтиб тавба қилар эканмиз, демак қаҳрамонлармиз!

Инсонларнинг кўнглини олар эканмиз, уларнинг кўнглини оғритмаслик учун сўзларимизни териб, топиб гапирар эканмиз, демак қаҳрамонлармиз!

Мискин бир сотувчидан у сотаётган нарсани нархига тортишмасдан сотиб олар эканмиз ва буни махфий садақа деб ҳисоблар эканмиз, демак қаҳрамонлармиз!

Ойлик маошимизни ойнинг охиригача зўрға етказиб, буни кишилардан яшириб ўзимизни ифбатли кўрсатар эканмиз, демак қаҳрамонлармиз!

Фарзандларимизни Аллоҳдан қўрқадиган қилиб тарбиялаб уларга карра жадвалини ёдлатганимиз каби ҳеч бўлмаганида бир пора Қуръон ёдлатар эканмиз, демак биз қаҳрамонлармиз!

Ота-оналаримизга, қўшнилариимизга яхшилик қилиб, умр йўлдошларимизга уй ишларида ёрдамлашиб қариндошлар билан силаи-рахм қилар эканмиз, демак биз қаҳрамонлармиз!

Фарзандларимиз ва аёлларимиз учун бир бурда нонни тошнинг ичидан суғуриб олар эканмиз, демак қаҳрамонлармиз!

Дўстим! Агар кечалар қисқа бўлган пайтда бомдод намозига масжидга бораётган экансан, демак қаҳрамонсан!

Ҳеч нарсага қарамасдан аҳбобларинг кўлидан тутаётган экансан, демак қаҳрамонсан! Ким сенга қалбини берган бўлса у сенга ишонибди. Бу омонатдир. Аллоҳ таоло омонатни ўз соҳибига қайтаришни яхши кўради!

Бошқаларнинг муваффақиятидан хурсанд бўлаётган бўлсанг сен қаҳрамонсан. Демак сенда ажойиб қалб бор!

Неъмат соҳиблари ҳаққига барака сўраб дуо қилар экансан. Демак қаҳрамонсан. Сен Аллоҳнинг тақсимотига рози бўлгансан!

Маҳзун кишиларнинг кўз ёшларини артган бўлсанг, мажруҳ кишиларни ширин сўзларинг билан кўнглини олган бўлсанг, қалби синган кишиларни елкасига қўлингни қўйиб юпатган бўлсанг, демак қаҳрамонсан!

Хотин-қизларингга бўлган рашк сени ўз оловида ёндираётган бўлса, аммо бу сени зулмга олиб бормаса, чегарада тура олсанг, демак қаҳрамонсан!

Абдулқодир Полвонов